796

СҮНГГИ СОАТДА
мухбирларимиз хабар қиладилар

БИР КУНДА 45 ТОННА МАКАРОН

ФАРҒОНА. Қува дон маҳсулотлари комбинати қайта таъмирлангандан сўнг ишга туширилди. Швейцариянинг "Бюлер" фирмаси лицензияси асосида тайёрланган жиҳозлардан фойдаланилди. Буғдойни тозаловчи, намлаб берувчи, тош ва ҳар хил чиқиндилардан тозаловчи, ун тайёрлашга оид ноёб асбоб-ускуналар ўрнатилди. Янги технология ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу комбинатда бир кеча-кундузда 45 тонна макарон тайёрланади.

Алишер ИБОДИНОВ.

"ТЕМУРБЕК" БОЛАЛАРИ

БУХОРО. Когон шаҳрида фойдаланишга топширилган болалар боғчаси темирйўлчиларнинг 140 нафар фарзандини бағрига олди. "Темурбек" номи берилган боғчада барча қулайликлар бўлиши учун "Ўзбекистон темир йўллари" давлат ҳиссадорлик компанияси Бухоро бўлими жамоаси раҳнамолик қилмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ.

СИРДАРЁНИНГ "КУМУШ ТОЛАСИ"

СИРДАРЁ. Вилоят пиллакорлари тайёрлов идораларига 346 тоннадан кўпроқ хом ашё топшириб, маррани эгаллашди. Ҳар кути уруғдан 47 килограммдан ҳосил олинди. Яна 20 тонна пилла топшириш мўлжалланмоқда.

Абдужалил УМАРОВ.

ЭЛ ФАРЗАНДИНИ ХОТИРЛАБ

ТОШКЕНТ. ЎзХДП Янгийўл шаҳар кенгаши республика маънавият ва маърифат жамоатчилик марказининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда атоқли давлат арбоби, халқимизнинг суюкли фарзанди Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказди.

Соҳибжон САЛИМОВ.

КАТТА ТЕННИС БАЙРАМИ

НАМАНГАН. Давлатобод туманида замонавий "Дўстлик" теннис корти мажмуи қурилгандан кейин вилоятда оммавий спортнинг бу турига эътибор ҳар қачонгидан ортди. Ҳозир кортда тайёргарлик қизғин. Ёзда бу ерда Осиё давлатлари ёшлари ўртасида ўтказиладиган халқаро турнирга атрофлича ҳозирлик кўрилмоқда. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Бозоров раҳбар бўлган турнирни тайёрлаш ва уни ўтказиш комиссияси халқаро мусобақани катта спорт байрамига айлантириш устида иш олиб бормоқда.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ИШБИЛАРМОНЛИККА ЎРГАТИБ

ХОРАЗМ. *Урганч қурилиш коллежи қошида Тошкент техника университети, олий инженерлик педагогика институти ва Тошкент иқтисодиёт, бизнес мутахассислари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари бўлимлари очилди. Бу билан вилоят халқ хўжалиги тармоқларидаги мутахассисларни ишбилармонликка ўргатиб, замон талабларига мос бўлишларига имконият яратилди.*

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 18 июнь, сешанба № 75 (21.996).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

«ТИКО» АВТОМОБИЛЛАРИГА ОҚ ЙЎЛ!

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида «Тико» русумли автомобиллар тайёрловчи линия ишга тушди. Ўзбекистонда иккинчи енгил автомобиль тайёрлана бошланди.

Бу кун байрамона тус олди. Эндигина конвейердан тушган «Тико» автомобиллари гулларга ўралган, янада жозибали кўринади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов, Андижон вилоятининг ҳокими Қ. Обидов ва бошқа меҳмонлар, хорижий мутахассислар ҳамроҳлигида «Тико» русумли автомобиллар чиқадиган линия олдига келдилар. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков биринчи «Тико» автомобилига 000001 рақамини маҳкамлаб қўйди. Янги автомобилларга оқ йўл тиланди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК БЎЛСИН

Республикамиз раҳбарияти мамлакатда қурилиш ишларига, айниқса, биринчи навбатда топширилиши лозим бўлган иншоотларга катта эътибор бермоқда.

Президентимиз Ислом Каримов 15 июнь куни Темурийлар тарихи давлат музейининг барпо этилиши жараёни билан танишди. Ҳозир музейда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Унинг очилиш маросими Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги байрамига мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари меъмор ва қурувчиларга музейнинг безаги хусусида маслаҳатлар берди. Музейнинг умумий ҳажми 60 минг куб метр, кўргазма залларининг майдони 2200 квадрат метрни ташкил этади. Президент мазкур музей тарихимизнинг тарғибот марказига айланиб қолиши лозимлигини таъкидлади. Кишиларимиз, айниқса ёшлар бу даргоҳдан жонли ва қизиқарли маълумотлар олиб чиқиб кетиши зарур. Музейга ташриф буюрганларда буюк аждодларимиз, хусусан мислсиз саркарда ва давлат арбоби, маърифатпарвар, бугунги кунда тарихий ёдгорликка айланиб қолган биноларни барпо этиш ташаббускори Амир Темурнинг ҳаёти ва кўп қиррали фаолияти ҳақида имкон борича ёркин ва бой таассурот қолсин.

Республикамиз раҳбари музей экспонатларини жойлаштириш масаласи билан атрофлича танишиб чиқди, Тошкентнинг Шайҳонтоҳур туманида қурилиши режалаштирилаётган «Чорсу» спорт-соғломлаштириш мажмуи макетига баҳо берди, Самарқандда Амир Темур ҳайкалини ўрнатиш мўлжалланаётган жой хусусида мулоҳаза билдирди, Ўзбекистон пойтахти гербининг эскизлари билан танишди. Президент республика меъморлари, қурувчи ва лойиҳачиларини енгил ва чиройли конструкциялардан фойдаланиб, мустаҳкам ва сифатли бинолар қуришга даъват этди.

Президентнинг Темурийлар тарихи давлат музейига ташрифи чоғида унга республика Бош вазири Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ҳамроҳ бўлдилар.

(ЎзА).

СУРАТДА: Президент музей қурилишини кўздан кечираётган пайт.

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

1996 йил 15 июнь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг, Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссияси аъзолари, партиянинг марказий сайланма органлари аъзоси бўлмаган вилоят кенгашлари котиблари, Олий Мажлисдаги ХДП фракциясининг бир гуруҳ аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги, XVI пленуми бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламентчилик фаолиятини янада ривожлантириш тўғрисида» маъруза қилди.

У, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ХДП сафидан чиқиши тўғрисидаги Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси номига йўллаган Баёноти юзасидан ҳам ахборот берди.

Президент Баёноти пленум иштирокчиларига ўқиб эшиттирилди:

«Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасига

Ўзбекистон давлати ва жамиятимиз яқин ўтмишда босиб ўтган жараёнларни ва бугун бошимиздан кечираётган вазиятни инобатга олиб, авваламбор, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда демократик жараёнларни янада ривожлантириш ва барқарор этиш, янги тузилган ва тузилаётган партияларга ҳам адолатли имкониятлар яратилишига кўмаклашиш мақсадида ХДП аъзолигидан чиқишга қарор қилганимни билдираман. Бу қаторимни кўпчилик партия аъзолари ҳамда Ўзбекистон жамоатчилиги қўллаб-қувватлайди, деб ўйлайман.

Ислом КАРИМОВ».

Пленум қатнашчилари таъкидлаганларидек, мамлакатимизда демократик тартиботларни изчил қарор топтириш, жамиятимизда ижтимоий адолат тўғрисидаги ғояларни, шиорлар, режаларимизни, сиёсий соҳада ҳам, ҳаётий воқеликка айлантириш вазифаси бугун ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Жамиятимиз, давлатимиз олдида турган инсоний мақсадларга эришишда, сиёсий ҳаёт тизими ўрнининг муҳимлиги шубҳасиз. Унинг демократик мазмунини эса, жаҳон илғор тажрибаси кўрсатаётганидек, тўлақонли сиёсий партияларнинг жўшқин фаолияти ташкил этади. Сиёсий партиялар фаолиятининг самарадорлиги, ўз навбатида, бунинг учун, жамиятда, уларга тенг имкониятлар, шарт-шароитлар яратиб берилишига, кўп жиҳатдан, боғлиқ. Зотан, биз жамиятимизнинг барча фуқаролари учун имкониятлар тенглигини яратишни Ватанимизда ижтимоий адолатни қарор топтиришнинг асосий омили, деб ҳисоблар эканмиз, демак, сиёсий партиялар фаолияти ҳам бундан мустасно эмас.

Фикрлар хилма-хиллиги ва кўппартиялилик демократик ижтимоий ҳаётимизнинг муҳим шарти эканлиги тўғрисидаги қоида Конституциямизда акс эттирилган, энг муҳими, улар ҳаётга татбиқ қилинмоқда: мамлакатимизда қатор сиёсий партиялар, кучлар вужудга келди, улар кейинги сайловларда иштирок этиб, Олий Мажлис ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига ўз номзодларининг депутатликка сайланишига эришдилар. Кўппартиялилик тизимининг демократик моҳияти ХДП дастурий ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топган.

Истиқболимиз манфаатлари кўппартиялилик демократик амалиётини қарор топтириш жараёнини бизда янада тезроқ, самаралироқ, кенг кўлам ҳамда миқёсларда юз беришини тақозо қилмоқда. Чунки, мамлакатимизнинг истибдодли кечаги куни, мустақил Ўзбекистонда мулкдорлар синфи эндигина шакллана бошлагани ва халқимизнинг ўзгаменлигидан келиб чиқадиган бўлсак, юртимиздаги барча сиёсий партияларнинг фаолияти учун, давлат бошлиғи — Ватанимиз миллий яхлитлиги, ижтимоий муштараклигининг тимсоли, кафили — Президент томонидан уларга тенг, адолатли шарт-шароитлар яратиб берилмоғи зарурати борлигини кўрмай иложимиз йўқ.

Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитаси ўзининг кеча, 14 июнь куни, бўлиб ўтган мажлисида мазкур масалани кўриб чиқди ва республикамиз Президентининг юқорида зикр этилган мазмундаги Баёнотини, юртбошимизнинг унда ўз ифодасини топган масъулиятли сиёсий қадамини, маъқуллашга қарор қилди.

Марказий Кенгаш аъзолари Сиёсий ижроқўмининг мазкур масала юзасидан қабул қилган қарорини маъқуллашди.

Пленумда муҳокама этилган масалалар бўйича музокараларда Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши биринчи котиби Ҳ. Эрматов, Ўзбекистон ХДП Жиззах шаҳар кенгаши биринчи котиби М. Иномов, Ўзбекистон ХДП Чуст туман кенгаши биринчи котиби Ш. Раҳматуллаев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси ўринбосари Б. Шодиева, Ўзбекистон ХДП Шаҳрихон туман кенгаши биринчи котиби М. Отабоев, «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири А. Суюн, Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби Ф. Омоновлар қатнашдилар.

Пленум Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши биринчи котиби Р. Мухторовнинг мазкур вилоят партия ташкилотининг Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб этиш ва ҳаётга татбиқ қилишга оид иши ҳақидаги ахборотини тинглади ҳамда уни маълумот учун қабул қилди.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди, Марказий Кенгаш таркибига ўзгартиришлар киритди.

Пленум ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов қатнашди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ЎЗБЕКИСТОН: МУСТАҚИЛЛИКНИНГ БЕШ ЙИЛИ

Шу йил 13 июнь куни Америка Қўшма Штатларидаги Бостон коллежида «Ўзбекистон: мустақилликнинг беш йили» мавзусида илмий семинар бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси экологияси, нуфуси, сиёсат ва иқтисодиёти муаммолари кўриб чиқилди.

Гарвард университети ва Бостон коллежининг етакчи олимлари минтақа хавфсизлиги муаммоларини, бу жараёнда Ўзбекистон ва унинг Президенти Ислом Каримовнинг тутган ўрнини, Марказий Осиё мамлакатлари интеграцияси ва МДҲ интеграцияси масалаларини, нуфус вазияти ва миллатлараро муносабатларни, демократиялаш ва янги сиёсий тизимни қарор топтириш, иқтисодий ислоҳотлар масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликнинг гарови экани алоҳида таъкидланди. Президент Ислом Каримовнинг мустақилликнинг дастлабки йилидан бошлаб ўтказаётган аниқ ва изчил сиёсати бу минтақада можаро чиқиши эҳтимолини бартараф қилди. Ўзбекистоннинг Тожикистон ва Афғонистондаги можарони бартараф этишга доир ташаббуси жаҳон ҳамжамиятининг эътибори ва қўллаб-қувватлашига лойиқдир.

Иқтисодиётни босқичма-босқич ислоҳ қилишнинг Ўзбекистон танлаган йўли олимларда катта қизиқиш уйғотди. Бу йил МДҲ мамлакатлари орасида ишлаб чиқариш инқирозининг энг кам бўлишини таъминлади. Бугун эса иқтисодиётнинг аста-секин юксалаётгани тўғрисида гапириш мумкин. Ўзбекистоннинг энергетика, автомобилсозлик соҳаларидаги, галла мустақиллигини таъминлашдаги ютуқлари, шунингдек хусусийлаштириш ва мулкдорлар синфини вужудга келтириш борасидаги изчил ислоҳотлар таҳсинга лойиқдир.

Семинарнинг якунловчи мажлиси Бостон яқинидаги Кембриж шаҳрида, кўпчиликнинг фикри бўйича фақат АҚШдагина эмас, бутун дунёда биринчи дорилфунун ҳисобланадиган Гарвард университетида бўлиб ўтди.

Гарвард университетини битирган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Содиқ Сафоев Ўзбекистондаги сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ҳақида маъруза қилди.

Шу ерда, Гарвард университетининг клубида «Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти» китоби билан таништириш маросими бўлди. Китоб муаллифлари профессор Д. Карлайл ва таниқли сиёсатшунос Л. Левитин сиёсатчи ва ислоҳотчи Ислом Каримовнинг кучли ва ёркин шахс эканлиги бутун дунёда катта қизиқиш уйғотаётганини таъкидладилар. Муаллифларнинг мақсади китобхонларни жаҳон сиёсатининг етакчиларидан бири билан таништириш, гўзал Ўзбекистон ва унинг одамлари ҳақида ҳикоя қилишдир.

Китоб билан таништириш маросимида сўзга чиққан олимлар, жамоат арбоблари ва тадбиркорлар АҚШ билан Ўзбекистон ўртасида алоқаларни йўлга қўйишнинг муҳимлиги ва зарурлиги тўғрисида гапирдилар. «Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти» китоби америкалик китобхонга Ўзбекистон ва унинг раҳбарини яхшироқ билиб олишда ёрдам беради. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга ташрифи арафасида айниқса муҳимдир. Китоб билан таништириш маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси С. Сафоев иштирок этди.

Малик ҚОДИРОВ. (ЎзА).

Ўзбекистон ХДП МК XVI пленуми қарори

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Баёноти тўғрисида»ги қарори ҳақида

1. Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг республика Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафларидан чиқиши тўғрисидаги Баёнотини қондириш ҳақидаги қарори тасдиқлансин ва бу, айни пайтда, унинг, ХДП Низомига кўра, партия Раиси ваколатларини ҳам тўхтатилиши эканлиги қайд этилсин.

2. Ўзбекистон ХДП Раиси лавозимининг бундан буён сақлаб қолинишининг мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Низомидан унга тегишли қоидаларни олиб ташлаш тўғрисидаги масала партиянинг навбатдаги қурултойи эътиборига ҳавола этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга партиямиз, Ватанимиз олдидаги катта хизматлари учун миннатдорчилик билдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ПАРЛАМЕНТЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ XVI ПЛЕНУМИДА МК БИРИНЧИ КОТИБИ АБДУЛҲАФИЗ ЖАЛОЛОВНИНГ МАЪРУЗАСИ

Биз мамлакатимиз ижтимоий ҳаёти, сиёсий ташкилотимиз фаолиятидаги муҳим бир вазиятда йиғилдик. Роппароса икки ярим ойдан кейин Ўзбекистон давлат мустақиллигининг беш йиллигини тантанали равишда нишонлаймиз. Халқимизнинг асрий орзусидан унинг тарихий ғалабасига айланган миллий истиқлол Ватанимиз истиқболининг кенг уфқларини, уни қудратли замонавий давлатга айлантиришнинг чинакам зарурий имкониятларини яратди.

1991 йилнинг сентябридан бошлаб босиб ўтилган йўлимизга шунчаки бир юзаки назар ташланганда ҳам, улар мазкур имкониятлардан фойдаланишга қаратилган саъй- ҳаракатларимиз самарасидан яққол далолат беради. Ҳамма нарса таққослашда билинади, деган пурҳикмат қоидага риоя этиб, тарихий вақт ўлчовининг нисбатан қисқа муддатида юртимизда қилинган кенг қамровли ишларнинг ҳажми ва мазмунини, биз билан бир пайтда мустақилликка эришган, собиқ шўролар мамлакати жумҳуриятларининг кўпчилигидаги бугунги аҳвол билан солиштирсак, халқимиз меҳнати асло зое кетмаганлигини кўриб, ундан тўла қониқиш ҳосил этамиз.

Ахир, ўзингиз бир ўйлаб кўринг, атиги беш йил илгари мустабидчилик, деган бир ўргимчакнинг чирмовида қолган, миллий озодликка эришиш ҳақида, ҳаттоки, очиқ ўйлаш ҳуқуқидан бебаҳра Ўзбекистон, эндиликда, дунёдаги мустақил давлатлар қаторидан ўрин эгаллади. Президентимиз И. А. Каримов бошчилигидаги республикамиз раҳбарияти халқимизнинг азалий орзу-умидлари, анъанавий ҳаёт тарзи ва эгаменлиги, юртимизнинг табиий ва инсон меҳнати билан яратилган имконияту салоҳияти ҳамда жаҳон илғор давлатлари тарихий тажрибасини инобатга олиб, Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини ишлаб чиқди.

Мамлакатимизда миллий давлатчиликнинг тикланиши, демократия тамойилларига асосланган сиёсий тизимни бунёд этиш жараёнларининг тобора авж олаётганлиги, иқтисодиётда, марказлашган бошқарув ва маъмурий-тақсимот усулидан, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтилаётганлиги, ҳукмрон улуғоғачилик ва мутелик мафкурасидан тамомила воз кечиш, унутилаёзган бебаҳо маданий, маънавий меросимизни халқимизга қайтариш, Ватанимизда мавжуд замонавий ақлий салоҳият ҳамда жаҳон илғор тафаккури негизида миллий онгимизнинг уйғониши, юртимизда қарор топган тинчлик, фуқаролар тотувлиги ва миллатлараро иноқлик, шунингдек, мустақил Ўзбекистон-

(Давоми 2-3-бетларда).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ПАРЛАМЕНТЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

нинг халқаро майдондаги дадил қадамлари, биз ўзлигимизни танитаётганлигимиздан, энг муҳими — танлаб олган йўлимизнинг тўғрилигини намойиш қилиши билан бирга, ундан оғишмай бораётганлигимиздан ҳам гувоҳлик бермоқда.

Мамлакатимиздаги, ҳақли равишда, тарихий, деб баҳоланаётган ушбу туб ўзгаришларнинг содир бўлишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган сиёсий кучлардан бири, ташкил топганига салкам беш йил тўлаётган, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидир. Авваламбор, партиямиз, Ўзбекистон Президентининг сиёсий таянчи сифатида, раҳбариятимизнинг ислоҳотлар йўли ва фаолиятининг моҳиятини аҳоли барча қатламларида мунтазам тарғиб қилиш, уларнинг ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, бутун Ватанимиз учун тақдириломон аҳамиятини кенг оммага тушунтириш, қолаверса, ўзининг бунёдкорлик ишларидаги бевосита иштироки билан, диёримизда амалга оширилаётган янгиланишнинг умумхалқ томонидан қўллаб-қувватланишига эришишга салмоқли улуш қўшмоқда.

Ижтимоий ҳаётнинг бирон соҳаси йўқки, партиямиз ташкилотлари, унинг аъзолари ушбу янгиланиш жараёнларида фаол иштирок қилмаётган, унда ташаббускорлик, фидойилик намуналарини кўрсатмаётган бўлсалар. Рўёбга чиқарилаётган ишлар ва истиқболли режаларни ХДП Дастурида баён этилган ғоялар билан солиштирсангиз, уларнинг бирбирига ўзаро монандлиги, ҳамоҳанглигини кўриб, бундан чуқур қониқиш ҳосил қиласиз, партиямизнинг ҳақиқатан ҳам жамиятимиздаги нуфузли куч эканлигидан кўнглингиз тўлади.

Сафларимизда уюшган таниқли давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, адиблар, санъаткорлар, ўқитувчилар, шифокорлар, ишчилар, деҳқонлар, тадбиркорлар, тижоратчилар, уларнинг меҳнати ва фаолиятисиз нафақат бугунги Ўзбекистонни, балки, унинг келажагини ҳам тасаввур қилиб бўлмаса керак!

Шу боис, Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жамиятимиздаги ўрни, хизматлари ва амалий фаолиятини юқори баҳолаб, унга катта умидлар билан қараётганини алоҳида таъкидламоқда. Бу бизга мағрурланиш учун асос бўлибгина қолмай, айни пайтда, зиммамизга юкланаётган улкан масъулият ҳамдир.

Партиямизнинг кучи — унинг халқимиз билан доимий бирлигида, у билан ҳамнафас, ҳамдардлигида, юртдошларимиз оғирини енгил қилиш, уларнинг саодатли кунларини яқинлаштириш йўлида ўз меҳнатини аямаслигида.

Партиямизнинг кучи — унинг кечаги кун муаммолари билан ўралашиб қолмай, ютуқларга маҳлиё бўлмай, балки, бугунги долзарб ишлар қаторида, эртанги, истиқболли масалалар устида ҳам олдиндан бош қотириши, уларни ечишнинг пишиқ-пухта режаларини ишлаб чиқиши ва, энг асосийси, доимо изланишда, самарали ҳаракатда бўлишидадир.

Ҳаёт, воқелик биздан бугунги пленум муҳокамасига қўйилган масалаларга айни шундай ёндашишни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан олганда, партиямизнинг парламентчилик фаолияти, биз учун, нафақат ҳозир, балки, келгусида ҳам жуда муҳим, етакчи соҳа бўлиб қолади.

Мамлакатимизда тобора кенг қулоч ёзиб, чуқурлашиб, ўзининг дастлабки самараларини бера бошлаган ислоҳотлар сиёсатининг асосий йўналишларидан бири — фуқаролик жамияти асосларини яратишдир. Яъни, бунда ижтимоий ҳаётни, тегишли шарт-шароитлар пишиб етилишига қараб, ҳар томонлама эркинлаштириш, уни бошқариш юмушларини, тобора кўпроқ, жамоатчилик ва фуқаролик идораларига ошириш кўзда тутилмоқда.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг демократик тараққиёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, тўлақонли сиёсий партияларсиз, уларнинг серқирра фаолиятисиз ижтимоий ҳаётда жиддий олға силжишга эришиб бўлмайди. Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистонда чинакам кўппартиялиликни ҳаётда қарор топтириш мақсадида талай ишлар қилинмоқда. Зеро, сиёсий хилма-хиллик, худди ўша бозор муносабатларининг сиёсий соҳадаги ўзига хос кўринишни сифатида, жамиятнинг чинакам демократик эканлигининг муҳим мезони, унинг жиддий аломати бўлиб ҳисобланади.

1994 йилнинг декабрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига, ўтказилган сайловлар мамлакатимизда демократиялашув жараёнлари ривожи ҳамда кўппартиялилик тизими қарор топишининг ёрқин намойиши бўлди. Давлат ҳокимияти барча даражадаги вакиллик идораларига, биринчи марта, кўппартиялилик асосида ўтказилган мазкур сайловлар, Ўзбекистон фуқароларига ўз хоҳиш-иродаларини эркин ифодалаш йўли билан, кўрсатилган номзодлар орасидан энг муносибларини танлаш имкониятини берди.

Ушбу сайловлар партиямиз ҳаётида катта сиёсий аҳамият касб этиб, унинг фаолиятини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, кўп жиҳатдан, белгилаб берди.

Хўш, у нималарда кўринади?

Энг аввало, сайловлар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг амалдаги сиёсий мақомини тубдан ўзгартирди. У, эндиликда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида энг йирик фракцияга эга бўлган партиядир.

Сайловларда қатнашган барча фуқаролар жами овозларининг учдан бир қисмини олиши, ХДПнинг жамиятимизда салмоқли таъсирга эгалигини кўрсатди.

Мамлакат Олий Мажлисига сайланган депутатлар орасида партиямиз вакиллари 28 фоизни, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида — қарийб 37, ниҳоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланганлар ичида 48 фоиздан зиёдни ташкил этдилар. Бу — партиямиз тасарруфидаги, жиддий салоҳиятга эга сиёсий куч, каттакон имконият, юксак масъулиятдир.

Табиийки, парламентчилик, чинакам демократик ижтимоий тузум қарор топаётган республикамизда, дастурий ғоя ва мақсадларимизни рўёбга чиқаришнинг бош йўналиши ва ҳал қилувчи воситаси бўлиб, партиямиз, у орқали, ўз Дастури, Миллий истиқлол мафкураси, сайловолди Сиёсий ҳужжатида баён этилган қоидаларни, мустақил Ўзбекистон олдида турган муаммоларни ҳал этиш йўллари ҳақидаги қарашлари, нуқтаи назарини ифода этади, илгари суради, уларнинг қонун ва қарорлар шаклида қабул қилинишига эришади, керак бўлганда, ҳимоя қилади, деганидир. Биз бу ҳақда партиямиз Марказий Кенгашининг кейинги қатор пленумларида алоҳида гапирган ва ҳужжатларимизда аниқ ёзиб қўйган бўлсакда, ушбу ҳаётий ҳақиқатнинг моҳияти айрим биродарларимизга ҳанузгача етиб бормаганлиги сабабли, бугун уни яна бир бор эслатишга мажбурмиз.

Ҳаммангизга маълумки, сайловлардан кейин ўтган даврда партиямизнинг давлат ҳокимияти вакиллик идоралари тизими фаолиятида иштирок этишини ташкилий жиҳатдан таъминлаш ва расмийлаштиришга катта эътибор берилди. Ўзбекистон ХДПнинг мамлакат Олий Мажлисидаги расмий фракцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тўртта вилоят, 90 та шаҳар ва туман Кенгашларида партиямиздан сайланган депутатлар гуруҳлари, яъни фракциялари тузилди.

ХДПнинг бош парламент фракцияси фаолияти, биринчи навбатда, табиийки, республика Олий Мажлисининг қонун яратувчилик ишида фаол иштирок этишга йўналтирилди. Бу ерда, энг аввало, фракциямиз аъзолари уларнинг ўзлари таркибига кирган қўмита ҳамда комиссиялар фаолиятида бевосита ва фаол қатнашишлари муҳим эди ва биз бунга эришдик. Уларнинг кўпчилиги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, тегишли қўмиталар фаолияти йўналишлари асосида, Олий Мажлис сессияси кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалаларни тайёрлаш ҳамда уларни, дастлабки тарзда, муҳокама қилишга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Жумладан, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва давлат қурилиши, кўп укладли иқтисодиёт ҳамда бозор муносабатларини босқичма-босқич шакллантириш, инсон ҳуқуқлари, эркинликларини рўёбга чиқаришга дахлдор шарт-шароитларни яратиш, жамиятимизнинг маданий, маънавий-ахлоқий ривожини таъминлашнинг қонунчилик асосларини вужудга келтиришга қаратилган қонунлар, бошқа ҳужжатлар партиямиз вакилларининг фаол иштирокида қабул қилинди.

Партиямиздан Олий Мажлисга сайланган депутатларнинг бевосита ва фаол иштирокида Фуқаролик ва Меҳнат кодекслари, Ҳарбий доктрина, Конституцион суд, Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар сингари, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг қарор топиши учун, муҳим аҳамиятли ҳужжатлар лойиҳаси тайёрланди, муҳокамага киритилди ва қабул қилинди.

Ушбу ва сессиялар кўриб чиқиши учун қўйилган бошқа қонунлар лойиҳалари, ҳужжатларни тайёрлаш ва муҳокама қилиш ишига Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Б. А. Наимов, Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари қўмитаси раиси И. А. Кочмарик, Қонунчилик масалалари қўмитасининг собиқ раиси, ҳозирда республика Конституциявий суди раиси Б. Эшонов ҳамда ушбу қўмита раиси ўринбосари Н. Исмоилов каби, Олий Мажлис доимий қўмиталари таркибида ишлаётган, депутатларимиз катта ҳисса қўшдилар. Фракциямиз аъзоларининг таклифлари Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Депутат мақоми тўғрисидаги қонунлар лойиҳаларини ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш чоғида ҳисобга олинди.

Олий Мажлисдаги ХДП фракцияси ишини ташкил этиш билан бир вақтда, унинг партиямиз сайланма органлари ва барча даражалардаги ташкилотлари билан ҳамжиҳатлигини таъминлаш мурватларини яратишга эътибор берилди. Олий Мажлиснинг ҳар бир сессияси арафасида унинг муҳокамасига киритилаётган масалалар юзасидан муштарак нуқтаи назарни ҳамда депутатларимизга тавсия этилажак, тегишли таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида ХДП парламент фракцияси ва Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг қўшма мажлисларини ўтказиш амалиёти давом эттирилди.

Мазкур иш юзасидан, Марказий Кенгаш аппаратида, ХДПнинг Олий Мажлисдаги депутатлар фракциясига ахборий-таҳлилий ва маслаҳат беришга оид хизмати йўлга қўйилди. Махсус тузилган ишчи гуруҳлари сессиялар муҳокамасига киритилиши кўзда тутилган қонунлар лойиҳаларининг кўпчилиги ва ХДП ташки-

(Давоми 3-бетда).

Миллат руҳи

ЮКСАЛИШ САРИ

Журналист Нарзулла Жўраевнинг «Юксалиш» рисоласининг ўқувчини ўзига жалб қиладиган томони шундаки, у нафақат илмий, балки назарий ва фалсафий асар ҳамдир. Ижтимоий воқеа ва ҳодисаларни акс эттирган рисолаларни ўқиш, одатда зерикарли кечади. Аммо мазкур рисола завқ-шавқ билан, бадиий асарни мутолаа қилгандек ўқилади. Зеро, у содда, ширали тил, равон ва ажойиб услуб билан ёзилган. Рисоланинг яна бир муҳим фазилати унинг ҳаққонийлигидир. Бу муаллифнинг ҳаётий ҳақиқатга тўғри ёндашиш, холис баҳо бериш, бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни чуқур ҳамда мукаммал фалсафий таҳлил этиш қобилияти юксаклигидан дарак беради.

Асарни ўқир экансиз, унда баён қилинган масалалар бир-бири билан мантиқан узвий ва чамбарчас боғланганлигига гувоҳ бўласиз. Шу жиҳатдан рисоланинг «Ўтмишга назар» ва «Илк қадам, илк тажриба» боблари билан бошланиши тўғри ва ўринлидир. Зеро, ўтмишни билмасдан, уни пухта ва холис ўрганмасдан туриб, ҳозирги даврни таҳлил қилиш, адолатли баҳолаш мумкин эмас. Китобчада воқейлик яқин ўтмишимиз холисона ёритилган. Айниқса, мамлакатимиз Президентининг ҳаёти, фаолияти, унинг шахсини ёритиш орқали республикамизнинг мустақилликка эришиш арафасидаги, унинг дастлабки даври моҳирлик билан очиб берилган.

Муҳими шундаки, мамлакатимизда бўлаётган ижобий ўзгаришларга, республика Президенти фаолиятига баҳо беришда муаллифнинг ошириб юбориш, асоссиз кўкларга кўтариш ҳолатлари мутлақо сезилмайди. Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳали СССР қуламасдан туриб, коммунистлар раҳбарлиги остида партия Марказий Комитети, ҳукуматнинг ҳукмронлиги сақланган даврда мустақилликни қўлга киритишдаги саъй-ҳаракатлари катта бир сиёсий жасорат эканлиги тўғри талқин этилган. Асарда таъкидланганидек, «У катта билим ва ҳаётий тажрибага асосланган, назария ва амалиётни уйғунлаштира олган олим — раҳбар тимсолида Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли тамойилларини ишлаб чиқди. Давлат қурилишининг улкан назарияси сифатида ҳар томонлама илмий асосланган хулосаларни ўртага ташлади ва Ўзбекистоннинг келажаги буюк давлат эканлигини исботлаб берди».

Сиёсий эссенинг «Олишув» бобида эса мустақилликни қўлга киритиш арафасида ва дастлабки даврларда юртбошимизнинг «Бирлик» халқ ҳаракати, «Эрк» халқ демократик партияси вакиллари билан ниҳоятда адолатли ва кескин курашуви, сиёсий муҳолифларнинг амалий фаолиятида, бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга муносабатида мустаҳкам бир негиз, пойдевор йўқ эканлигини кўрсатиб берганлиги акс эттирилади. Муҳолифларда сиёсат ўрнига сиёсатбозлик, халқ манфаати ўрнига ўзларининг шахсий мансабпарастлик манфаатлари устун турганлигини очиқ ва равшан очиб беради. Юртбошимиз «мамлакат то мустақил бўлмагунча демократия ҳеч қачон бўлмаслигини, эркин, ҳуқуқий, инсонпарвар жамият қуриш учун эса олдин мамлакат озод бўлиши зарурлигини сиёсий, назарий ва амалий жиҳатдан ёритиб берди. Ана шунинг ўзи Каримовнинг позицияси! Ана шунинг ўзи Каримовнинг сиёсий йўли! Ана шунинг ўзи Каримовнинг сиёсий дастури!» деб ёзади муаллиф.

Асарнинг бир неча бобларида эса юртбошимизнинг янги сиёсий тизим, миллий давлатчилик, демократия ҳақидаги, яратган янги таълимоти, назарияси, дастури ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишдаги катта ва кенг кўламдаги амалий фаолияти илҳом билан ёзилган. Бу борада асрлар

1

давомида амалда бўлиб келган бошқарув шакли — ҳокимликларни жорий қилиш ниҳоятда ақлли ва доно иш эди. Бундан ташқари маҳалла қўмиталарининг бошқарувдаги ўрни, роли ва аҳамиятини ошириш сиёсати тарихан таркиб топган бошқарувнинг муҳим шаклларини нафақат тиклашдан, балки уни янада мустаҳкамлашдан иборат бўлди.

Йўл-йўлакай шуни айтиш лозимки, бошқарувнинг бу усулларини чуқур таҳлил этиб, умумлаштирмоқ ва уни такомиллаштирмоқ зарурияти туғилиб қолганга ўхшайди. Сабаби, маълум даражада жамоатчиликни безовта қилаётган ва уларнинг ҳақли эътирозига дуч келаётган айрим иллатлар: таъмагирлик, порахўрлик, тўрачилик, ишбилармонлик байроғи остида олибсотарликнинг салбий маънода авж олиши қабиларга жавоб тариқасида яна ҳам тезроқ ва амалий натижалар берадиган бошқарувнинг янги шаклларини, айниқса, **бошқарувда кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминловчи форма ва усулларини ҳаётга татбиқ этиш зарурлиги сезилмоқда. Шунингдек, туман, шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар ва бошқарув органлари раҳбарларининг бошқарувдаги ҳақ-ҳуқуқларини кенгайтириш билан бирга уларнинг эл-юрт, мамлакат, Ватан олдидаги масъулиятини, бурчини оширишларини қатъийлик билан талаб қилиш шу куннинг долзарб масалаларидан бири бўлса керак,** деб ўйлаймиз.

Айниқса, Ислом Каримовнинг шарқона демокртияни ўрнатиш тўғрисидаги таълимоти, унинг ҳаётда амалга ошиши республикамизда яхши натижалар бермоқда. «Каримов иш услубининг ва сиёсий йўлининг ўз тенгдошлари ва сафдошларидан фарқи шундаки, у миллий заминда шаклланган бўлиб, ана шу заминда асрлар мобайнида пишиб етилган Шарқ миллий давлатчилик ва бошқарув санъати анъаналарига ҳамоҳангдир. Худди ана шу ҳолатнинг ўзи И. А. Каримов шахси, дунёқараши, қолаверса, илмий тилда айтганда менталитетини кўрсатади. Дарҳақиқат, Президент И. Каримов менталитети мамлакатга номи берилган туб миллат менталитети билан уйғунлашиб кетган. Унинг бутун фазилати ва қадрияти ана шунда», дейилади рисолада.

Тўғрисини айтиш керак, бу таълимот ва амалий фаолият мамлакатимизда сиёсий парокандаликнинг ўрнига сиёсий барқарорликни, миллатлараро олишувлар, низолар ўрнига миллий тотувлик, дўстлик, биродарликнинг, ҳайқириқ, бақириқлар, шиорвозликлар ўрнига тинчлик, осойишталикнинг ўрнатилишида муҳим ва ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Бу ижтимоий - сиёсий ҳодиса республикамизда амалга оширилаётган иккита улуғ жараённи, биринчиси, мустақилликни мустаҳкамлаш, иккинчиси эски ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тузумдан янги тузумга — бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёни бутун жаҳонни ҳайратда қолдирадиган даражада муваффақиятли ўтишнинг муҳим ва ҳал қилувчи гарови бўлиб хизмат қилди. Муаллиф асарнинг «Ислоҳот, ислоҳот, ислоҳот!» бобида булар ҳақида батафсил сўз юритади. Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш сиёсий ислоҳотларсиз мумкин эмаслиги, айни бир пайтда ҳар иккаласи ҳам инсон онгини, унинг сиёсий маслаги, мафкурасини янгиламасдан

(Давоми 3-4-бетларда).

2

Ўзбекистон ХДП МК XVI пленуми қарори

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламентчилик фаолиятини янада ривожлантириш вазифалари тўғрисида

1. Ўзбекистон ХДП МК пленуми, парламентчилик, 1994 йил 25 декабридаги сайловлардан кейин, партия дастурий мақсадларини амалга оширишга қаратилган фаолиятнинг асосий йўналиши бўлиб қолганлигини қайд этади.

Мазкур сайловлардан кейин ўтган даврда партиянинг давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи ва маҳаллий вакиллик идоралари тизимидаги иштирокини, ташкилий жиҳатдан шакллантиришга катта эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, 4 та вилоят, 90 та шаҳар ва туман халқ депутатлари Кенгашларида ХДПдан сайланган депутатлар гуруҳлари тузилди.

ХДПнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги фракцияси фаолияти, асосан, унинг мамлакат парламенти қонун яратувчилик ишида бевосита иштирок этишга қаратилди.

ХДП парламент фракцияси аъзолари қонун лойиҳаларини юзага келтиришда, қўмиталар иш йўналишлари доирасидаги масалаларни тайёрлаш ва кўриб чиқишда, ўтган бир ярим йил ичида, ХДП номидан, Олий Мажлис Котибиятига 200 дан зиёд таклифлар киритди. Ушбу таклифларнинг кўпи қонунларни тайёрлаш, меъёрига етказиш ва уларни қабул қилиш чоғида эътиборга олинди.

Олий Мажлиснинг ҳар бир сессияси олдидан ХДП депутатлар фракцияси билан партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мамлакат қонун чиқарувчи олий органи муҳокамасига киритилиши мўлжалланган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва улар юзасидан муштарак нуқтаи назарни ишлаб чиқиш учун қўшма мажлисларни ўтказиш амалиёти давом эттирилди.

Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси, ўз олдига қўйган мақсадларни рўёбга чиқариш жараёнида, жаҳон ҳамжамияти демократик давлатлари ҳамда улардаги етакчи сиёсий партиялар парламент фракцияларининг қонун яратувчиликка оид тажрибасини мунтазам ўрганиш ва ҳар томонлама ҳисобга олишга ҳаракат қилмоқда. Фракция аъзоларининг республикамиз парламент делегациялари таркибида турли мамлакатларга амалий ташрифлари, уларнинг демократияни ривожлантириш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишлари бошқарувидаги иштирокини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган халқаро семинар ва учрашувларда қатнашуви катта аҳамиятга эгадир.

ХДПдан сайланган депутатларнинг сайлов округларида фаол иш олиб боришларини таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар қилинди. Партия ташкилотлари ва барча даражадаги партия кенгашлари депутатларга, уларнинг сайловчилар билан мунтазам учрашувларини ўтказиб туришда, ўз ваколатларини амалга оширишларида яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Кўпгина партия кенгашлари ва ташкилотларида ХДПдан сайланган депутатларнинг ўз бурчларини қандай адо этаётганликлари ҳақидаги ахборотларини тинглаш амалиёти қарор топди. ХДПдан сайланган депутатларнинг, сайловчилар билан алоқасини мустаҳкамлаш мақсадида, барча даражадаги партия кенгашлари ҳузурида, салкам икки мингта депутат қабулхонаси ташкил қилинди.

Шундай қилиб, сайловлардан кейинги ўтган даврда ХДПнинг парламент партияси сифатида оёққа туриши йўлида талайгина ишлар қилинди. Партиянинг парламентчилик фаолиятини янада ривожлантириш, уни парламентчилик демократияси ривож топган мамлакатларнинг бу соҳада эришган ютуқлари даражасига кўтаришга қаратилган, янада тараққий эттириш учун жиддий асос яратувчи янги тамойиллар тобора кўпроқ кўзга ташланмоқда.

2. Пленум, вакиллик демократияси институтлари фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида, жамиятда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамиятини қонунчилик орқали аниқ-равшан белгилаб қўйишнинг вақти етди, деб таъкидлайди.

Зеро, сиёсий партияларнинг мақоми, асосий ҳуқуқлари ва масъулиятини белгилаб берувчи, уларга ўзларининг дастурий мақсадларини барча даражадаги ҳокимият вакиллик идораларидаги депутатлари, орқали рўёбга чиқариш имкониятини яратувчи, Сиёсий партиялар ҳақидаги, Қонуннинг қабул қилиниши — долзарб масала бўлиб қолди.

Фракциялар фаолиятини қонунчилик асосида тартибга солиш, партиявий фракциялар олиб борадиган парламентчилик иши самарадорлигини ошириш ва таъсирчанлигини кучайтиришга қўмаклашадиган, уларнинг обрў-эътиборини мустаҳкамлайдиган ҳужжатларни қабул қилиш ҳам ниҳоятда муҳимдир.

Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракциясига, парламентчилик фаолияти ривожланган мамлакатлардаги сиёсий партиялар ва уларнинг фракциялари фаолиятини қонунчилик йўли билан тартибга солиш борасида тўплаган тажрибасини ўрганиш асосида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг яқин орада бўладиган сессияларидан бирида, тегишли қонунчиликка оид таклифларни тайёрлаб, уларни муҳокамага киритиш ташаббуси билан чиқиш тавсия этилсин.

3. Пленум Олий Мажлисдаги ХДП фракциясининг қонун яратувчилик соҳасидаги ишларини янада фаолроқ ва собитқадамлик билан олиб боришини таъминлашга катта аҳамият беради.

Партия Дастури ва унинг сайловолди Сиёсий дастурида баён этилган кўпгина ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, аввало, Олий Мажлиснинг шу жабҳадаги фаолияти устувор йўналишлари ўзанларидаги тегишли қонуний асосларни шакллантиришни кўзда тутади.

ХДП фракцияси, ушбу муаммолар доирасидан келиб чиққан ҳолда, қонунлар лойиҳаларини мустақил равишда тайёрлаш ёки парламентимиз қўмиталарида ишлаб чиқилаётган шундай лойиҳаларга фикр-мулоҳаза билдириш, қўшимчалар ва аниқликлар киритиш шаклидами, барибир, мазкур соҳаларда ташаббускор бўлиши керак. Бунда фракциянинг, айниқса, Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатлар бошчилик қилаётган қўмиталар ва комиссиялар билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

4. Пленум Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларида ХДПнинг депутатлар гуруҳларини тузиш ва улар фаолиятини ташкил этиш билан бевосита боғлиқ, минтақавий ва маҳаллий даражалардаги, муаммолари партиянинг алоҳида диққат-эътиборини талаб этади, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон ХДПнинг кўпгина кенгашлари мазкур масала билан шуғулланмаётганликлари, уларга, ўз вақтида, аниқ-равшанлик киритмаганликлари оқибатида, 13 та маҳаллий Кенгашдан атиги 9 тасида, қарийб 200 та туман ва шаҳар Кенгашларининг 110 тасида ХДП депутатлар гуруҳлари тузилмаган.

Пленум, бундай ҳолни партия депутатлар гуруҳларининг маҳаллий ҳокимият вакиллик идораларидаги ўрни, аҳамиятини тушунмаслик, деб баҳолайди ва тегишли партия кенгашлари ҳамда ташкилотларидан бу соҳадаги мавжуд нуқсонлар, камчиликлар, расмиятчиликни зудлик билан бартараф этишни талаб қилади.

Партия ХДПдан сайланган депутатлар кучи билан, вакиллик ҳокимиятлари маҳаллий идоралари даражасидаги ваколатлар доирасида, ҳал этиладиган кўпгина муаммоларни, ўз сиёсий ҳужжатларида, муҳим вазифа сифатида, белгилаб олган.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, шаҳар ва туман кенгашлари партия депутатлар гуруҳлари маҳаллий кенгашлар таркибидаги мавжуд ақл-зиё салоҳиятига таянган ҳолда, тегишли минтақавий дастурларни қабул қилиш ташаббуси билан чиқишлари, мазкур дастурларнинг асосланган лойиҳаларини тайёрлашлари, маҳаллий ҳокимият идораларига тегишли таклифларни киритишлари ҳамда уларнинг бажарилиши учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни кўрсинлар.

5. Республика раҳбарияти амалга ошираётган, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сиёсий манфаатларига тўла жавоб берувчи, ислоҳотлар йўлини, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан, қўллаб-қувватлашни таъминлаш, партиямиз учун, биринчи даражали аҳамиятдаги масала бўлиб келди ва шундайлигича қолади.

Ушбу сиёсатнинг бевосита ижрочилари — ташаббускор ва тадбиркор, одамлар ғам-ташвиши билан яшайдиган, уларни жипслаштира оладиган, кайфиятларини кўтаришга қодир, муҳим вазифаларни бажаришга сафарбар этишга моҳир раҳбарларни, барча чоралар билан, қўллаб-қувватлаш, айни вақтда, ислоҳотлар йўлидаги тўсиқлар, суиистеъмолликлар, бузилишларга нисбатан қатъийлик билан ҳаракат қилиш — ХДПдан сайланган депутатлар, маҳаллий партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Улар жойлардаги мавжуд нуқсонлар ва салбий ҳолатларни дадиллик билан очиб ташлашлари, вилоятлар, шаҳар ва туманлардаги вазиятни соғломлаштиришга кўмаклашишлари керак.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари шунга эришишлари керакки, ҳудудий бошлангич партия ташкилотлари сайловчилар орасида иш олиб боришда асосий бўғин, депутатларимизнинг бевосита ва ишончли таянчи, уларни аҳоли билан мустаҳкам боғловчи кўприкка айлансинлар.

Пленум барча даражадаги партия кенгашларига Олий Мажлисдаги ХДП фракцияси ва унинг маҳаллий ҳокимият идораларидаги депутатлар гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш учун, кўп жиҳатдан, мутасадди бўлган партия аппарати тузилмалари ишини такомиллаштириш, самарадорлигини оширишни таъминлаш вазифасини топширди.

***

Пленум Ўзбекистон Халқ демократик партияси, тўпланган тажрибага таянган ҳолда, парламентчилик фаолиятида шаклланаётган ижобий тамойилларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш орқали, яқин орадаёқ, ўзининг мазкур йўналишдаги ишини, сифат жиҳатдан, янги босқичга кўтариш, унинг давр талаблари, мамлакатимизда етук фуқаролик жамияти ҳамда замонавий давлат бошқарувини қарор топтириш билан боғлиқ эҳтиёжларга жавоб бериши учун барча ишларни қилади, деб ишонч билдиради.

Ўзбекистон ХДП МК XVI пленуми қарори

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят ташкилотининг партиямиз Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб этиш ва ҳаётга татбиқ қилишга оид иши ҳақида

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XVI пленуми қарор қилади:

1. Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби Р. Мухторовнинг «Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят ташкилотининг партиямиз Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб этиш ва ҳаётга татбиқ қилишга оид иши ҳақида»ги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар, туман кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотларига партиямиз Миллий истиқлол мафкурасини кенг тарғиб қилишни кучайтириш ва уни рўёбга чиқаришга эътиборни янада ошириш, ушбу мақсадда Ўзбекистон мустақиллиги, Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ҳамда партиямиз ташкил топган куннинг 5 йиллиғини нишонлашда самарали фойдаланиш, жойларда партиявий-сиёсий ва мафкуравий ишлар таянч нуқталарини вужудга келтириш, улар учун тегишли ходимларни тайёрлаш масалалари билан мунтазам, аниқ мақсадли тарзда шуғулланиш вазифаси топширилсин.

3. «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ҳамда «Мулоқот» журнали таҳририятлари, мазкур нашрлар саҳифаларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг маъруза ва нутқларида олга сурилган ғоялар асосида, Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб этиш, рўёбга чиқаришга бағишланган мақолалар бериб борилишининг мунтазамлигини, уларнинг юксак савияда, таъсирчан бўлишлигини таъминласинлар.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ПАРЛАМЕНТЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-ва 2-бетларда).

лотлари, аъзоларининг улар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини обдон ўрганиб, фракциямизнинг Олий Мажлис сессияларига таклифларини тайёрлашга кўмаклашмоқдалар.

Умуман олганда, ўтган бир ярим йилда, фракциямиз номидан Олий Мажлис Котибиятига турли қонун лойиҳалари юзасидан 200 дан зиёд таклиф юборилди. Уларнинг кўпчилиги қонун лойиҳалари устида ишни давом эттириш жараёнида инобатга олинганлигини қониқиш билан айтиш лозим.

Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги депутатлар фракцияси ўз фаолияти ва олдида турган вазифаларни адо этишда ўзимизда аввал таркиб топган қонун яратувчилик иши ва жаҳон ҳамжамиятидаги бошқа давлатлар, улардаги етакчи сиёсий партияларнинг парламентчилик соҳасидаги илғор тажрибасига таянишга ҳаракат қилмоқда. Шу аснода фракциямиз аъзоларининг, Ўзбекистон парламенти делегациялари таркибида, АҚШ, Германия, Япония, қатор бошқа давлатларга ташрифлари муҳим аҳамият касб этди.

Бизнинг БМТ Тараққиёт дастури (ПРООН) томонидан Киевда ташкил этилган демократияни ривожлантириш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштироки юзасидан халқаро учрашувда, Олий Мажлис Кенгаши ҳамда Конрад Аденауэр жамғармаси уюштирган, ҒФР бундестаги депутатлари иштирокидаги, парламент аъзоларининг касбий тайёргарлиги масалаларига бағишланган, семинарда, шунингдек, парламентчилик муаммолари бўйича, Тошкентда ўтказилаётган турли анжуманларда қатнашишимиз ҳам ўта фойдали бўлмоқда. Бундан ташқари, Тошкентдаги дипломатия корпуси ва обрўли халқаро ташкилотларнинг вакиллари билан бу борадаги алоқаларимиз яхши ривож топмоқда.

ХДПдан сайланган депутатларнинг ўз сайлов округларида иш олиб боришларини таъминлаш ҳам биз учун муҳим вазифа ҳисобланади. Партиямиз ташкилотлари ва барча даражадаги кенгашлари депутатларимизнинг сайловчилар билан мунтазам мулоқотда бўлишларини, ўз ваколатларини бажаришларини, таъминлашда, уларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Масалан, Гулистон туманида ХДП маҳаллий кенгаши, бошланғич партия ташкилотлари ва партиямиздан сайланган барча даражадаги депутатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг, депутатларни партиянинг оммавий-сиёсий ва тарғибий-ташвиқий тадбирларини ўтказишга бевосита жалб этишдек, ўзига хос шакли вужудга келган. Уларнинг мамлакат раҳбарияти ўтказаётган ислоҳотлар сиёсати мазмуни ва моҳиятини тушунтиришда, маърифий ҳамда хайрия тадбирларида иштирок этиши, аҳоли турли қатламларида, депутатларимиз фаолияти тўғрисида ижобий фикрни шакллантиришга, партиянинг аҳоли ўртасидаги нуфузи ва таъсирини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган депутатларнинг ўз конституциявий бурчларини бажаришдаги масъулиятини ошириш бўйича, умуман, муайян ижобий ишлар қилинмоқда. Кўпгина партия ташкилотлари ва кенгашларида депутатларимизнинг ўз ваколатларини қандай бажараётганликлари ҳақидаги ахборотларини тинглаш амалиёти ривож топмоқда. Сайловлардан кейинги қисқа муддат ичида Олий Мажлис, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига партиямиздан сайланган депутатларнинг ярмидан кўпи, шаҳар ва туман Кенгашларидаги вакилларимизнинг учдан бири ўз фаолияти тўғрисида ахборот берди.

Барча даражадаги партия кенгашлари ҳузурида ташкил қилинган депутат қабулхоналари депутатларимизнинг сайловчилар билан бевосита алоқасини мустаҳкамлашнинг таъсирчан воситасига айланди. Бу йўналишда Жиззах, Фарғона, бошқа қатор вилоят партия ташкилотларида катта ишлар олиб борилмоқда. Шу кунгача, жами бўлиб, салкам икки мингта депутат қабулхонаси вужудга келтирилди. Уларда сайловчиларнинг 21 мингтадан зиёд ариза ва мурожаатлари кўриб чиқилди, буларнинг 40 фоизи ижобий ҳал этилди, яна бир қисми тегишли ташкилотларда ўрганилмоқда. Масалан, Олий Мажлис депутати К. Сапиев (Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри) сайловдан кейинги даврда, мингдан ортиқ фуқарони қабул қилди. Уларнинг натижалари бўйича Тошкент — Термиз тезюрар поездининг Сариосиё шоҳбекатигача бўлган қатновини тиклаш, Денов шаҳридаги темир йўл шоҳбекати биносини қайта қуриш, XVI аср меъморчилиги ёдгорлиги — Саидота мадрасасини таъмирлаш юзасидан собитқадам иш олиб борилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Юқорида баён этилганлар, сайловлардан кейин ўтган даврда, ХДПнинг парламент партияси сифатида қарор топиши учун, анчагина ишлар бажарилди, деб хулоса чиқариш имконини беради. Бизда маълум тажриба тўпланди, шундай янги тамойиллар кўзга ташланмоқдаки, улар партиянинг парламентчилик фаолиятини янада ривожлантириш, уни, мазкур йўналишдаги демократия қарор топган, илғор мамлакатлардаги сиёсий ташкилот даражасигача олиб чиқиш учун яхшигина асос бўла олади.

Айни мана шу вазифа партиямизнинг бундан кейинги фаолиятида устувор, ўта аҳамиятли бўлишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Уни ҳал этиш, ҳозирдаёқ, биздан дадил қадамлар қўйишни, қатор сиёсий ва ташкилий тусдаги чора-тадбирларни кўришни талаб қилади. Уларни, биз, қуйидагича тасаввур этмоқдамиз:

Ўзбекистонда демократияни ривожлантириш ва том маънодаги кўппартиялиликни қарор топтириш учун сиёсий партияларнинг давлат ва жамиятдаги фаолияти тегишли қонуний заминга эга бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Сиёсий партияларнинг фаолияти, бугун, қонунчилик маъносида, асосан, бундан беш йил муқаддам қабул қилинган, Ўзбекистонда Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонун билан тартибга солиниб турибди. Эндиликда эса, ҳаёт унинг конституциявий кафолати тегишли қонунчилик ҳужжатларида ўз ривожини топишини тақозо этмоқда. Шу сабабли, биз, вакиллик демократияси институтларини, жумладан, партияларнинг, парламентчиликни такомиллаштиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида, жамиятимиз сиёсий тизимидаги ўрни ва аҳамиятини, уларнинг ўз, демократик йўл билан сайланган, вакиллари орқали давлат ҳокимияти идораларини шакллантиришларига оид, Конституциямизда эътироф этилган, қоидани ойдинлаштириб, уни ҳам қонунчилик йўли билан, аниқ белгилаб қўйилишини ўта зарур, деб ҳисоблаймиз. Бошқача айтганда, партиялар ҳақидаги Қонунни қабул қилиш масаласи, борган сари, долзарблик касб этмоқда. Ушбу ҳужжат партияларнинг сиёсий мақомини, асосий ҳуқуқлари ва масъулиятини кўрсатиб берган, уларнинг дастурий мақсадларини, барча даражадаги ҳокимият вакиллик идораларидаги ўз депутатлари орқали, рўёбга чиқариш имкониятларини кафолатлаган бўлур эди.

Масаланинг бундай қўйилиши парламент демократиясининг жаҳонда эътироф этилган меъёрларига тамомила мосдир. Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис биринчи сессиясидаги дастурий нутқида айнан шу масала парламентимизнинг қонун яратувчилик фаолиятидаги унинг муҳим вазифалари қаторига киритилганди.

Фракциялар фаолиятини қонун йўли билан тартибга солиш масаласи ҳам ўта муҳимдир. Яқинда қабул қилинган Олий Мажлис Регламенти фракциялар ва депутатлар гуруҳларини шакллантириш ҳамда уларни рўйхатга олиш мурватларинигина кўзда тутади, холос. Вақоланки, партиявий фракцияларнинг парламентчилик иши самарадорлигини ошириш ҳамда таъсирчанлигини кучайтириш имконини бервчи қонун, ҳужжатларни қабул қилиш масаласи аллақачон пишиб етилди. Фикримизча, фракцияларга ўз ишчи аппаратларига эга бўлиш, расмий равишда, энг муҳим масалаларни, дастлабки тарзда, кўриб ҳамда ишлаб чиқиш учун экспертларни жалб этиш имкониятини бериш мақсадга мувофиқдир.

Жаҳондаги кўпгина мамлакатларда бундай масалаларни қонун йўли билан ҳал этишда каттагина тажриба тўпланган. У фракциямиз аъзолари томонидан хорижий мамлакатларга расмий ташрифлар чоғида диққат билан ўрганилди, партия Марказий Кенгашида таҳлил этилди, матбуотимиз саҳифаларида ёритилди. Ўзбекистон шароити учун мақбул бўлган барча қимматли тажрибалардан самарали фойдаланишимиз лозим. Жумладан, фракциямиз, ташаббускор сифатида, мазкур масалалар бўйича қонун лойиҳасини тайёрлаб, Олий Мажлиснинг яқин орадаги сессияларидан бирида уни кўриб чиқишни таклиф этиши ва қабул қилиниши йўлида қатъийлик кўрсатиши керак.

Айни пайтда, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламентчилик фаолиятига доир нуқтаи назари (концепцияси) устида олиб борилаётган ишларни кучайтириш лозим. Гап бу ерда, биринчи навбатда, бизнинг қонун яратувчилик ишидаги иштирокимизни, сифат жиҳатидан, янги поғонага кўтариш устида кетмоқда. ХДП Дастурида, партиямизнинг сайловолди Сиёсий ҳужжатида мамлакатимиз ривожи, халқимиз турмушига оид қатор ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий муаммолар кўтарилган. Уларнинг кўпини ҳал этиш учун, энг аввало, тегишли ҳуқуқий негизларни шакллантириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясида белгилаб берилган қонун яратувчилик ишининг устувор йўналишлари ўзанида ҳаракат қилиш талаб этилади.

Ушбу муаммолардан келиб чиққан ҳолда, шу соҳадаги барча ишларимизни олдиндан ўйлаб, режалаштириб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Партиямизнинг минтақавий ва маҳаллий даражалардаги парламентчилик фаолиятига тааллуқли муаммолар ҳам диққат-эътиборни ўзига тортади. Биз бу ерда ХДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларида депутатлар гуруҳларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш масаласини назарда тутмоқдамиз. Бугун очиғини айтиш керакки, Марказий Кенгаш, Олий Мажлисдаги фракциямиз иши билан кўпроқ шуғулланиб, ушбу масалага етарли эътибор бера олмади. Натижада, бу соҳадаги аҳвол бизни қониқтира олмайди. Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 13 та маҳаллий Кенгашдан 9 тасида, қарийб 200 тача шаҳар, туман Кенгашларидан 110 тасида партиямизнинг депутатлар гуруҳи тузилмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Навоий, Наманган, Тошкент ва Хоразм вилоят партия ташкилотларининг сусткашлиги оқибатида, нафақат ушбу вилоятлар халқ депутатлари, балки, умуман, бу ерлардаги шаҳар ва туман Кенгашларида ҳам депутатлар гуруҳларимиз йўқ, улар ҳанузгача тузилмаган.

Бу — давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларида партия депутатлар гуруҳларининг ўрни ва аҳамиятини тушунмасликнинг эмас, айни пайтда, ХДП Низомининг, партиямиздан сайланган депутатлар бор жойларда, шундай гуруҳларни ташкил этишга йўналтирувчи қоидаларини тўғридан-тўғри инкор этиш ҳамдир. Депутатларимизнинг бошини қовуштирмаслик туфайли биз партия сиёсатини маҳаллий Кенгашлар орқали ўтказишнинг табиий ва ишончли таянчидан маҳрум бўлаётганлигимизни наҳотки тушунмасак?! Бундай аҳволни тезда ўнглаб олишимиз керак.

Шу билан бирга, депутатлар гуруҳларини тузгандан кейин уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш, уларга вақтида кўмаклашиш ҳам муҳим.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловчиларга яқин турадилар. Айни шулар фуқароларнинг иш билан бандлиги, ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш, аҳолининг эҳтиёжманд қисмларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ-тартиботга риоя қилишни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, ёшлар тарбиясини яхшилаш ва бошқа кўплаб етилган муаммолар бўйича маҳаллий дастурларни ишлаб чиқиб, уларни амалга оширишлари лозим. Улар,шунингдек, кишилар, ўзларининг кундалик ҳаётларида, бевосита тўқнашадиган ҳамда уларнинг фаровонлиги ва кайфиятини белгилайдиган муаммолар билан мунтазам шуғулланишга даъват этилганлар.

Юртбошимиз халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқларида жойларда ижтимоий соҳага кам эътибор берилаётганлигини асосли танқид қилган эди. Шундан келиб чиқиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига партиямиздан сайланган депутатлар мактаб ва болалар боғчалари, соғлиқни сақлаш муассасалари, клублар ва маданият уйлари, кутубхоналар ва жисмоний тарбия мажмуалари тўғрисида кундалик ғамхўрликни кучайтиришга эришишлари зарур.

Жиддий ақл-зиё салоҳиятига эга бўлган маҳаллий партия ташкилотларимиздан ҳокимият вакиллик идораларининг муайян масалалар юзасидан дастурларини тайёрлашга кўмаклашиш, ҳаттоки, уларни қабул қилинишининг ташаббускори бўлиш талаб этилади. Албатта, депутатларимизнинг энг муҳим вазифаси — иқтисодий-ижтимоий соҳаларга оид қонунлар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ва маҳаллий дастурларнинг амалга оширилишини таъминлаш устидан қатъий назорат ўрнатиш ва бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этишдир.

Республикамиз раҳбарияти ўтказаётган ислоҳотлар йўли Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сиёсий эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бериб, унинг Дастури ва сайловолди Сиёсий ҳужжати ғояларига ҳамоҳанглигини биз айтдик. Шу боис, парламентчилик фаолияти орқали, унинг ҳаётга татбиқ этилишига ҳисса қўшиш — партиямизнинг муқаддас бурчидир.

Ҳар қандай сиёсат одамлар учун, одамлар томонидан, улар орқали, жумладан, ижроия ҳокимият идоралари, давлат ва хўжалик бошқаруви раҳбарлари меҳнати билан, амалга оширилади. Жойлардаги раҳбарларнинг кўпи ташаббускор, ишбилармон, кишилар ташвиши ва ишлари билан яшайдиган, уларни бирлаштира оладиган, бунёдкорлик саъй-ҳаракатларига сафарбар эта биладиган моҳир шахслардир. Депутатларимиз ва партия ташкилотларимиз бундай етакчиларни қўллаб-қувватлашлари, уларга сафдош, елкадош бўлишлари лозим.

Аммо, раҳбар ходимлар орасида ислоҳотларнинг муваффақияти, одамлар ҳаётининг яхшиланиши учун жон қуйдирмаётган, халқимиз, давлатимизнинг эртанги кунини ўйламаётган, худбин, манманликка берилган, ўралар ҳам топилиб туради. Депутатларимиз ларга нисбатан лоқайд бўлмасликлари, марказдан келиб тартиб ўрнатиб берадилар, деб кутмасдан, бу борада, юксак талабчанлик ва қатъиятлилик намуналарини кўрсатишлари керак.

Жаҳоннинг барча маърифий мамлакатларида сиёсий партиялар давлат ва бошқарув тизимидаги масъул лавозимларга номзодлар тайёрлаш ўчоғи ҳисобланади. Биз ҳам шундай вазифани бажаришга даъват этилганмиз. Турган гапки, мамлакатимиздаги бошқа сиёсий партиялар ривожланган сари бу ҳол тобора жиддий тус олади. Демак, бу соҳадаги ишларимизни ҳам замон талаби даражасига кўтаришимиз, уни парламентчилик фаолиятимиз билан уйғунлаштиришимиз даркор.

Миллий истиқлол байроғи остида шаҳдам қадам ташлаётган мамлакатимизда рўй бераётган шиддатли тарихий ўзгаришлар, ташкил топганлигининг беш йиллигини қаршилаётган, Ўзбекистон Халқ демократик партияси олдига янгидан-янги ва янада мураккаброқ вазифаларни қўймоқда. Ҳозиргача қатор жиддий қийинчиликларни енгиб чиққанимиз каби, ушбу вазифаларни ҳам шараф билан бажариш — ўзимизга, бутун партиямиз, унинг ҳар бир ташкилоти, ҳар бир аъзосига боғлиқ. Бунинг учун бизда барча имконият — жозибадор ғоялар, ҳаётий сиёсат, катта салоҳият, ташкилий уюшқоқлик, амалий тажриба ва халқимиз, Ватанимиз манфаатлари йўлида астойдил хизмат қилишнинг буюк истаги бор. Парламентчилик — партиямиз тасарруфидаги бой имкониятлардан энг муҳимидир. Агар, биз, бу ишни, рисоладагидек, йўлга қўя олсак, ташкилотимизнинг бутун, серқирра фаолиятини янада яхшилаган, халқ ўртасида унинг таъсирини оширган, жамиятимиздаги мавқеини мустаҳкамлаган, мамлакатимизда авж олаётган демократиялашув жараёнлари, халқимиз турмушининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган бўламиз.

Ана шу олижаноб мақсад ва тақдириломон вазифаларни рўёбга чиқаришда омад бизга ёр бўлсин!

Миллат руҳи

ЮКСАЛИШ САРИ

(Давоми. Боши 2-бетда).

туриб, бирон бир муваффақиятга эришиш мумкин эмаслигини юртбошимиз қандай таъкидлаган бўлса, худди шундай ёритиб берган.

Модомики, шундай экан, радио, телевидение, оммавий ахборот воситалари, бошқа жамики мутасадди ташкилотлар ҳозирги пайтда олиб борилаётган бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисидаги сиёсатни янада фаолроқ, жонбозлик билан қўллаб-қувватлашлари лозим. Шу билан бирга мустақиллигимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ва мафкуравий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориб, ҳудудимизда янги ижтимоий онгни шакллантириш, уни барча чоралар билан мустаҳкамлаш шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалари бўлиши лозим.

Моҳир публицист Н. Жўраев асарининг «Ўзбекистон — кенг имкониятлар мамлакати» ҳамда «Маърифий сиёсат ва сиёсий маърифат» боблари ҳам ҳаётий ва ниҳоятда мароқли ёзилган. Китобда таъкидлаб ўтилганидек, «Президент Ислом Каримов қайси мамлакатда бўлмасин, ё қайси давлат раҳбарини қабул этмасин, музокаралар давомида юксак сиёсий дипломатия, олий даражадаги маданиятга йўғрилган муомала, катта билимдонлик ва донишмандликдан ташқари ўз фикрини ўтказа олиш, ўз мулоҳазаларининг тўғрилигига суҳбатдош ё йиғин қатнашчиларини ишонтира билиш қобилиятини кўрсата олади. Шунинг учун ҳам у билан ҳар қандай давлат раҳбари ўта ҳушёрлик билан муомалада бўлади. Дарҳақиқат, юртбошимизнинг ўз миллатига бўлган эҳтиросли меҳр-муҳаббатини, Ватанга бўлган қизғин ва алангали ишқини, ўзбек диёрига бўлган чексиз оқибатию садоқатини асосли далиллар, чуқур фалсафий мушоҳада ва таҳлиллар асосида кўрсатиб беришга ҳаракат қилиш китобнинг бошидан охиригача қизил ипдай ўтиб турадики, у ўқувчининг диққатини тортади.

Асарда мустақиллигимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий, мафкуравий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган қатор масалаларни ёритишга алоҳида эътибор берилган. Чунончи муаллиф Президентимизнинг иқтисодий қарамлик охир-оқибатда сиёсий қарамликка олиб боришини яхши тушунганлигини таъкидлайди. Эндиликда, дон, нефть ва нефть маҳсулотлари билан мамлакатимиз ўзини ўзи таъминлаши ниҳоятда зарурлиги, ғалла ва нефть мустақиллиги сиёсатини ишлаб чиқиб, унинг қатъийлик билан ҳаётга татбиқ этилаётганлигини ишонарли қилиб ёзади. Шунингдек, юртимизда юзлаб қўшма корхоналар, минглаб кичик ва ўрта корхоналарнинг қурилиши, уларда озиқ-овқат ҳамда саноат молларининг кўплаб ишлаб чиқарилиши мамлакатда тўкин-сочинликни таъминлаши, халқимиз фаровонлигининг янада ошиши муқаррар эканлигини ишонарли тарзда баён қилиб берган.

Муаллиф асарда мамлакат раҳбарининг халқ маорифи, фан, адабиёт, санъат, маданият каби соҳаларга катта мурувват билан эътибор бераётганлигини алоҳида қайд этади. Шу нуқтаи назардан — маънавиятга, айниқса аждодларимизнинг илмий, адабий, тарихий, маданий меросларини чуқур ва пухта ўрганишга эътибор берилаётганлигини уқтиради. Халқимизда 73 йил бадалида сўниб қолаётган миллий ғурурни, ватанпарварлик туйғусини тиклаш, уйғотиш, бошқатдан шакллантириш ва мустаҳкамлашдек муқаддас бурч ҳақида катта эҳтирос билан муаллиф шундай ёзади: «Миллий ифтихор туйғуси ўз миллий

3

мансублигидан фахрланиш имконияти демакдир. Миллий ифтихор туйғуси ўз миллати бой тарихидан, маданий ва маънавий меросидан, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидан ғурурланиш салоҳияти. Миллий ифтихор туйғуси — ўзлигини англаш ва ўзлигини асрашга ўзиниўзи даъват этувчи куч. Бироқ унга ортиқча ҳирс қўйиш миллий худбинликка, миллий маҳдудликка олиб келади, бора-бора миллий калондимоғликдек ўта хавфли ва юқумли касалликка айланади».

Кўп миллатли давлатимизнинг миллатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш борасида амалга ошираётган ишлари асарда ўзининг ёрқин аксини топган. Айниқса, муаллиф миллий марказларнинг фаолияти ҳақида тўғри фикр-мулоҳазалар юритади, юртбошимизнинг ҳудудимиздаги барча миллат ва элатларга қилаётган ғамхўрликлари ҳақида суюниб гапиради. Бундан ташқари жамиятимиз тараққиётида диннинг эгаллаган ўрни ҳақида ҳам тўғри фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Таҳлил қилинаётган асарнинг «Миллий хавфсизлик: Ўзбекистон йўли» ва «Ўзбекистон янги аср остонасида» бобларида республика раҳбарининг олиб бораётган ташқи сиёсати ҳамда бу борадаги жўшқин амалий фаолияти кенг кўламда ёритилади. Муаллиф ўз ўқувчисида ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонимизнинг келажаги порлоқ эканлигини, у яқин йилларда дунёдаги тараққий этган буюк давлатлар қаторидан албатта ўз ўрнини эгаллаши муқаррар эканлигига ишонч ҳосил қилади. Бизга маълум бўлган томони шундан иборат бўлдики, китобда Президент И. Каримов ташқи сиёсатнинг назарий жиҳатларини ишлаб чиқишдаги асосий тамойилларини бекаму кўст баён этиб берган. Айниқса, ташқи сиёсатни олиб боришда ўзаро ҳурмат, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, зўравонлик ишлатмаслик, ўзаро манфаатли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий-техник ва савдо алоқаларини ўрнатиш томойиллари кенг ўрин олган.

Н. Жўраев китобнинг хотима қисмида Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришгандан кейинги учтўрт йил ичида эришган ютуқлари ҳақида қисқа ва лўнда гапириб, бунда Президент Ислом Каримовнинг тутган мавқеи ва ўрни хусусида мағрурланиб ёзади. Муаллиф Президентимиз чиндан ҳам миллатнинг рамзи эканлигини алоҳида қайд этади. Бу ерда шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар қандай Президент ҳам миллатнинг рамзи бўлавермайди. Ўз миллатининг равнақи учун бутун ақл-заковатини ишлатиб, қалб қўрини берган, шу йўлда фидокорона меҳнат қилиб, пешона терисини тўккан, лозим бўлса, ўз миллатининг бахт-саодати учун жонини ҳам қурбон қилишга тайёр бўлган Президентгина миллатнинг рамзи бўла олади. **Ислом Каримов ҳеч шак-шубҳасиз ва муболағасиз ана шундай миллатнинг рамзига айланган Президентдир. У киши миллатимизнинг ифтихори, ғурури, шууридир. Чунки, Ислом Каримов миллатнинг дарди, аламини ўзининг шахсий дарди, алами деб қабул қилган, миллатнинг шоду хуррамлигини ўзининг шоду хуррамлиги деб билади.**

Ислом Каримов яна шунинг учун ҳам миллатнинг рамзики, у замонавий ўзбек давлатчилигининг асосчиси ва бунёдкори, қадам-бақадам, изчиллик билан ижтимоий-

(Давоми 4-бетда).

Қорақалпоқ рақкосаси.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

Билиб қўйсангиз кам бўлмайсиз

КИШИ ШАХСИНИ БАРМОҚ ИЗЛАРИ БЎЙИЧА АНИҚЛАШ ҚАЧОН ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН?

Бармоқ излари ҳаммада ҳар хил бўлиши бугунги кунда барчага маълум. Бироқ у қачон тадқиқ этилган ва илк бор киши шахси шу бармоқ изларига қараб қачон аниқланган, деган савол туғилиши табиий.

1858 йили жиноятчи шахси бармоқ излари бўйича биринчи марта аниқланган. Лекин шуни унутмаслик керакки, бир неча йилдан сўнггина мумсимон модда суртилган юпқа плёнка ёрдамида бармоқ изларини олиш усули ишлаб чиқилган.

1880 йилда эса англиялик олим Франсис Гальтон бармоқ изларини турларга бўлиш устида иш бошлади. Кейинчалик бу ишни лондонлик полиция комиссари Эдвард Генри ривожлантирди ва анчайин соддалаштирди.

Бугунги кунда бармоқ излари бўйича жиноятчиларни аниқлаш усули барча давлатларда қўлланилади.

ИККИ ТИЛЛИК МАМЛАКАТЛАР

Авваламбор шуни айтиш керакки, дунёда нафақат икки тиллик мамлакатлар, балки учта тил давлат тили ҳисобланган мамлакатлар ҳам мавжуд. Масалан, Швейцарияни олиб кўрайлик. Аҳолисининг 65 фоизи немисча сўзлашади, бироқ немис, француз ва итальян тили давлат тили, деб эътироф этилган. Зимбабве ҳам уч тиллик мамлакат, яъни инглиз, шона ва синдебел тилларига давлат мақоми берилган. Икки тиллилик эса жуда кўп давлатларда жорий этилган. Жумладан, Бельгияда француз ва фламанд, Ирландияда ирланд ва инглиз (бу ерда инглизча газеталар ирландчага қараганда икки баравар кўп чиқади), Финляндияда фин ва швед, Канадада инглиз ва француз, Жанубий Африка Республикасида африканос ва инглиз, Танзанияда суахили ва инглиз, Мадагаскарда малага ва инглиз тиллари давлат тили ҳисобланади. Шунингдек, Ҳиндистонда ҳам (мустақилликка эришгандан сўнг) ҳинд тили билан бирга инглиз тили ҳам давлат мақомига эга.

ТАБИИЙ ШАРБАТЛАРНИ ИЧИНГ

Парҳезшунос шифокорлар мевалардан янги тайёрланган шарбатларни ичишни тавсия этишмайди, негаки, унда киши организмини бироз заҳарловчи моддалар кўп, яъни ичилса кўнгил беҳузур бўлади, ўқчитади, ҳиқичоқ туттиради, томир уришини сусайтиради ва артериядаги босимни пасайтиради. Шунинг учун янги шарбат салқин жойда бир неча соат туриши ва тиниши керак. Ана ундан сўнг бемалол истеъмол қилиш мумкин. Бозорларда плёнка халталарда, сотилаётган турли мева-кукуларидан шарбат ва салқин ичимликлар тайёрлаш ва истеъмол қилиш эса тавсия этилмайди. Чунки ҳар нарсанинг табиий бўлгани яхши.

ХАНДАЛАР

— Сиз аввал ҳам қабулимда бўлгансиз назаримда. Фамилиянгизни эслатиб юборинг, — деди шифокор мижозга.

— Иванов.

— Зотилжаммисиз?

— Йўқ, Александр.

***

Рус ҳайдовчиси ўз машинасида кетмоқда эди. Грузин мелиса уни тўхтатди:

— Сиз қоидани буздингиз. Қани грузин тилида тушунтириш хати ёзиб беринг-чи.

— Кечирасиз, мен грузинча билмайман.

— Билганингизча.

Рус йигит тоза қоғозни олди-да, ичига ўн минг рубль солиб мелисага узатди. Инспектор пулни кўриб деди:

— Билмайман дейсиз, билар экансизку. Қаранг, ярмини ёзиб қўйибсиз.

***

— Эртага менга жавоб беринг, хотиним билан бозор айланмоқчийдик, — деди ходим бошлиғига.

— Йўқ, эртага ишлар кўп, жавоб беролмайман.

— Раҳмат, сиз мени катта чиқимдан қутқариб қолдингиз.

Миллат руҳи

ЮКСАЛИШ САРИ

(Давоми. Боши 2-3-бетларда).

сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ўтказаётган Президентдир. Бу ислоҳотлар ўз-ўзини тартибга солиб турувчи, мувозанат ва барқарорликни таъминловчи сиёсий тизимни юзага келтириши, моддий тўкинлик ва фаровонликка олиб келувчи иқтисодий механизмнинг қарор топишини келтириб чиқариши, бошқача айтганда Ўзбекистоннинг том маънодаги буюк келажагини таъминлаши шубҳасиздир.

«Ўтган қисқа ва сермазмун давр мобайнида жаҳон сиёсатида, давлатчилик ва бошқарувчилик тажрибасида, айтиш мумкинки, Ислом Каримов мактаби вужудга келди. Бугун мамлакатимизда минг-минглаб турли тоифадаги раҳбарлар ана шу мактаб сабоғини олмоқда ва унда ишлаб чиқилган концепциялар, сиёсий йўл-йўриқлар асосида иш олиб бормоқда...»

«Юксалиш» асари айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Унда баъзи такрорий фикрлар учрайди. Баъзи ҳужжат ва асарларга тегишли манбалар кўрсатилмаган. Аммо шу нарса катта бир ҳақиқатки, рисола бизда яхши таассурот қолдирди. Сабаби: жаҳондаги, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги, шунингдек, мамлакатимиздаги мураккаб воқеа ва ҳодисалар оддий ва содда қилиб баён этилган. Кечираётган жараён одил, ҳаққоний, чуқур ва атрофлича назарий, фалсафий таҳлил этилган ва холис баҳо берилган. Рисола бошдан охиригача муаллифнинг шахсий фикр мулоҳазалари билан бой ва шу хусусияти ила ҳам мақтовга сазовордир. Унинг ёзиш услубидаги энг муҳим фазилатларидан бири баён этилаётган масалани ҳаққоний ва тўғри эканлигига ишонтирадиган мантиқи, асослари кучли бўлганлигидир. Ҳеч қандай бўрттирувсиз айтиш мумкинки, тилининг ширалиги, услубининг равонлиги ва ёқимтойлиги билан том маънода бадиий асар. У мураккаб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий жараёнларни чуқур ва теранлиги ҳамда назарий умумлашмаларнинг мўллиги билан фалсафий асар ҳамдир. Шу вақтга қадар республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ёзилган, газета-журналларда эълон қилинган мақолалардан фарқли ўлароқ, у кишининг давлат ва сиёсий арбоб сифатидаги портрети аниқроқ, тўғрироқ, ҳаққонийроқ, тўлароқ ва бойроқ чизилган. У фикрнинг эҳтиросли, қатъийлиги билан услубининг ўткирлиги билан том маънода публицист асар ҳамдир. Хулоса қилиб айтиш лозимки, асар республикамиз мустақиллигининг беш йиллиги тўйига муносиб ва салмоқли тўёна. Халқимиз, мамлакатимиз, давлатимиз Президентимиз Ислом Каримовнинг доно раҳбарлигида ЮКСАЛИШ САРИ олға интилмоқда. Биз ҳам шу халқнинг бир фарзанди, шу давлатнинг бир фуқароси сифатида унга бу юксалиш йўлида чин қалбдан бутун вужудимиз билан ОҚ ЙЎЛ тилаймиз!

Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ.

5

ЭСЛАБ ЮРАДИГАН БЎЛИШДИ

• Пойтахтимизда бир ҳафта давом этган «Челленжер» аёллар халқаро теннис мусобақаси якунланди.

«Динамо» теннис ўйингоҳи шу кунлар мобайнида ўзига хос гўзаллик масканига айланди. Мухлислар теннисчи қизларнинг маҳоратларини олқишлаб, ўзига хос нафис ҳаракатларидан завқландилар. Бундай нуфузли халқаро мусобақани ўтказилиши мамлакат спорт ҳаётида унутилмас из қолдирди. Биринчи халқаро «Челленжер» аёллар мусобақаси спортимиз тарихида муносиб ўрин олиши табиий.

Халқаро мусобақа юртимиз хотин - қизларида спортнинг бундай турига қизиқиш уйғотишда муҳим аҳамият касб этди. Маълумки, йигитлар ўртасида ўтказилиб келинаётган халқаро мусобақаларда вакилларимиз маҳорат ошириб, дунёга танилиш йўлида саъй-ҳаракат қилмоқдалар. Ўйлаймизки, яқин келажакда теннисчи қизларимиз ҳам бу борада эътибор топадилар. Хусусан, Ирода Тўлаганова, Лиля Бик-

Теннис

тякова, Оксана Яриковаларнинг чиқишлари мутахассисларда умидворлик уйғотди. Халқаро мусобақада эса теннисчиларнинг баҳслашиш ва дам олишлари учун барча қулайликлар яратилди.

Ўтган дам олиш кунлари ғолибларни аниқлаш баҳслари ўтказилди. Жуфтликлар учрашувида финалда украиналик Елена Татаркова, Елена Брюховец билан германиялик Катрин Килш ва австриялик Робин Морсли майдонга тушдилар. Яккамаякка учрашувларнинг ҳал қилувчи баҳсида эса австриялик Патриса Вортуш билан германиялик Катрин Килш ўзаро учрашдилар. Бунда австриялик теннисчининг қўли баланд келди. Шундан кейин мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими бўлди. Ғолибларга тегишлича пул мукофотлари, эсдалик совғалари топширилди. Муҳими, меҳмонлар мусобақадан, меҳмондўстликдан мамнуният ҳосил қилганликларини эътироф этиб: «Тошкентни узоқ вақт эслаб юрамиз», дейишди.

СУРАТЛАРДА: «Челленжер» турнири ғолиби (юқорида) Патриса Вортуш (Австрия) ; пастдаги суратда эса турнир қатнашчиларини тақдирлаш пайти.

Муҳаммад АМИН олган суратлар.

МАЙДОНДА КУЧЛИЛАР ҚОЛАДИ

• Ўн бир кундирки, Англия ўйингоҳларида Европа футбол чемпионати давом этмоқда.

Кеча чемпионлик орзусида Англияга келган 16 жамоа дам олди. Бугун эса гуруҳларда сўнгги саралаш учрашувлари бошланади. Хусусан, Франция-Болгария, Руминия-Испания, Шотландия-Швейцария, Голландия-Англия футболчилари майдонга тушади. Ҳар бир гуруҳда фахрли икки ўринни эгаллаб, курашни давом эттириш учун баҳс тобора кескин тус олмоқда.

«А» гуруҳида Англия ва Голландия жамоалари тўрттадан очко билан чорак финалга

Футбол

йўлланмани деярли нақд қилиб олишган. «В» гуруҳида эса Болгария ва Франция жамоаларида тўрттадан очко бор. «С» гуруҳида мураккаб вазият юзага келган десак бўлади. Боиси, Чехия футболчиларининг Италия жамоасини 2:1 ҳисобида енгиши билан шундай ҳолат юзага келди. Ҳозир Германия, Италия, Чехия жамоаларининг мавқелари ёмон эмас. Айниқса, Германия футболчиларининг Россия жамоасини 3:0 ҳисобида енгиши бу гуруҳда биринчи ўрин соҳибини белгилади. Германия футболчилари олтита очко тўплашди. Эртага ўтказиладиган Россия — Чехия ҳамда Италия — Германия жамоаларининг учрашувларини қандай тугаши гуруҳдаги мавқега бироз таъсир кўрсатиши мумкин.

«В» гуруҳида Хорватия футболчилари олдинда боришмоқда. Бу жамоа Дания футболчиларини 3:0 ҳисобида енгишди. Биринчи учрашувда эса Туркия футболчиларини 1:0 ҳисобида доғда қолдиришган эди. Хорватия ҳисобида 6 та очко бўлса, Португалия футболчиларида 4 та очко бор. Эртага Хорватия — Португалия ҳамда Туркия — Дания жамоалари учрашадилар. Хуллас, чорак финалда қайси жамоаларнинг учрашиши бугун-эрта ҳал бўлади.

Ҳайдар НОСИРОВ.

ФОЙДАДАН ХОЛИ ЭМАС

Ҳаммомдан чиққач ёки ҳаммомнинг ўзида совуқ ичимликларни ичишдан сақланиш керак. Чунки бу вақтда бадан тешиклари очиқ бўлиб, совуқ бошқарувчи аъзолар томон интилади ва уларнинг қувватини синдиради. Шунингдек, иссиқ бирон нарсани ейишдан, айниқса, иссиқ сув ичишдан сақланиш керак.

***

Балиқ ёғи кўзга сув тушганида фойда бўлиб, асал билан қўшиб ишлатилса, кўзни ўткир қилади.

***

Мўмиё бошнинг бир томон ярмининг оғриғига, тутқаноқ ва бош айланишига фойда қилади. Кулокдан йиринг оқишига қарши мўмиёнинг бир арпа дони миқдордагисини гул ёғи ва ғўра узумнинг суви билан қўшиб пилик қилинади.

***

Юз фалажига учраган кишининг юзини сирка билан доимо ювиб бориш, айниқса, латифлаштирувчи дорилар солиб қайнатилган сиркани суриш фойдалидир.

***

Шолғомни қовуриб ёки қайнатиб еб туриш кўзни жуда кучли қилади.

Ўлмас анъаналар

ЧОВДИР МАСХАРАБОЗНИНГ ҚИЗИ

Жумагул Юнусова халқимиз тилида достон бўлиб келаётган масхарабозлар авлодидан. У Амударё соҳилларида жойлашган Қипчоқ посёлкасида санъаткор оиласида туғилган. Отаси Човдир, бобоси Ҳайитбой, тоғаси Раим масхарабоз, акаси Ҳайитбой эса боламанчи эди. Улар оилавий масхарабозлар бўлиб, ўз замонасининг такрорланмас санъаткорларидан ҳисобланади.

Човдир масхарабозлар авлодини нафақат туман, балки Қорақалпоғистон аҳли ҳурмат билан тилга олади. «Ҳали улардек кучли санъаткорлар чиққан эмас», дея завқланиб эслайди Жумагул. Мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ отаси ўргатган рақслар, қўл, бармоқ ҳаракатлари, ичакузди ҳангомаларини эндиликда шогирдлари билан баҳам кўряпти.

Ёшлигидан санъатга ихлос қўйган Жумагул ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаб, отаси орзу қилган санъаткорлар тайёрлайдиган институтга ўқишга киролмади. Онаси Тошкент Давлат санъат институтига ўқишга киришига қарши чиқди. «Бошқа хоҳлаган институтга кириб ўқи. Мен розиман, фақат артистликка эмас», деб туриб олди. Қиз онасининг сўзини икки қилмади, аммо ниятидан ҳам қайтмади. Тошкент Давлат педагогика институтининг музика факультетида ўқий бошлади. Талабалик йиллари бадиий ҳаваскорлик тўгарагига қатнашди. Бир сафар институт факультетлари аро қизиқарли танлов ўтказилди. Унда қўшиқ айтиб, рақсга тушган, бошқарувчи ва кичик кўринишларда фаол қатнашган Жумагулни ўқитувчилари чақириб қолишди. Қараса, машҳур артистлар Раззоҳ Ҳамроев, Бахтиёр Ихтиёровлар туришибди.

— Синглим, сизда туғма талант бор экан. Санъат институтида ўқишни истамайсизми?— деб қолишди, улар тўсатдан.

Йўқ, у боролмади. 1978 йили педагогика институтини муваффақиятли тамомлаб, ўзи туғилиб ўсган Амударё туманидаги 13-ҳунар-техника ўқув юртида ўқитувчилик қилса-да, Жумагул санъатдан кўнгил уза олмади. Отасининг вафотидан олдин «Отамерос ҳунаримиз давомчисиз қолмаса эди», деган сўзи унинг ҳамиша хаёлида, тинчлик бермасди.

«Ҳеч бўлмаса саҳна ортидан кўринайин», деган ният билан қўғирчоқ театри ташкил этди. Буни Ёшлар Иттифоқи туман ташкилоти қўллаб-қувватлади. Унинг қувончи чексиз эди. Шаҳардаги барча болалар боғчаларида бўлиб, қўғирчоқ спектакллари кўрсатишди. Бироқ кўчма саҳна билан қўғирчоқларни ҳамиша қўлда кўтариб юриш мумкин эмасди. Транспорт етишмасди.

Барибир томирида масхарабозлар қони бор ёш санъаткор бу билан тўхтаб қолмади. Янги гуруҳ ташкил этиш ташвишида юрганда 1994 йили уни музика мактабига, янгидан ташкил қилинган фольклор бўлимига ишга чақиришди. Бу гал унинг йўлига ҳеч ким тўсиқ бўлолмади. Жумагулнинг ижодий ишларига кенг йўл очилди. Шу билан бир вақтда у музика мактабида Ўзбекистон Халқ демократик партияси бошланғич ташкилотининг котиби бўлиб сайланди.

— Айни пайтда ишларимиз жуда кўп, — дейди Жумагул Юнусова. — Қўғирчоқ театрим билан отам орзу қилган «Човдир масхарабоз» номли фольклор гуруҳини халқимга танита олсам ўзимни бахтиёр ҳис қиламан.

Бобокалонларимиз асраб келаётган отамерос анъанани давом эттираётган санъат ишқибозига омад қулиб боқсин. Ниятимиз шу.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Гиёҳвандлик — иллат

ЙЎҚЛИККА ОЛИБ БОРУВЧИ ЙЎЛ

Нукус шаҳри Раҳматова кўчаси 8-уйда яшовчи Светлана Умрзоқова қора курсига ўтирди. У гиёҳванд моддаларини сотиш, инсонни заҳарлаш орқасидан бойлик орттиришда айбланди. Унинг уйида тинтув ўтказилганида сотишга тайёрлаб қўйилган кўп миқдорда қорадори, укол қилиш жиҳозлари, қорадори ўлчов тарозиси топилди. Светлананинг қилмиши 10 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан «баҳоланди». Молмулки мусодара этилди.

Нукуслик яна бир гиёҳванд Озод Алламбергенов қўшниси Шокир Калмагамбетовни болта билан уриб ўлдирди ва унинг... 150 сўм пулига эга бўлди. Озод ҳам бу жиноятга қорадори билан қўл урди.

Хўжайлилик Тауекал Ажибоев эса кайф устида ов милтиғини хотинига қаратди...

Бутун дунёда энг ёмон иллат сифатида гиёҳвандликка қарши кураш кетяпти. Афсуски, гиёҳвандлар, бундай моддалар савдоси билан шуғулланувчи шахслар уни истеъмол қилиш оқибатида юз берган жиноятлар сони ошиб бораётир.

Қорақалпоғистон Республикасида умумий жиноятчилик ўтган йилга нисбатан камайгани ҳолда гиёҳванд моддаларни сотиш, сақлаш билан боғлиқ жиноятлар кўпайган.

Кейинги йилларда ўтказилаётган «Қорадори» операцияси туфайли гиёҳванд ўсимликларни экиш кескин камайди. Аммо айни кунда мўмай даромад топиш ниятида бу моддаларни вилоятдан вилоятга, давлатдан давлатга ташиб, савдо-сотиқ қилишга журъат қилаётган кимсалар борлиги жуда афсусланарли ҳол.

Беруний туманидаги «Озодлик» жамоа хўжалигида яшовчи Маҳмуд Напесакаевнинг автомашинасидан чиққан 17 қопдаги 100 килограммдан кўпроқ кўкнори бошоқларини Самарқанд вилояти Ургут туманидаги Халлигашар қишлоғилик Абдураҳмон исмли шахс сотиш учун бериб кетганлиги маълум бўлди.

Шу тумандаги Пахмед қишлоғида яшовчи Насрулло Ешмуродов 14 килограмм кўкнорини сотаётганида қўлга олинди. Унинг ҳамқишлоғи Равшан Бурхонов «майдакаш» эмас экан. Унинг ёнидан бир килограммдан кўпроқ қорадори топилди.

Ургутлик Х. Элназаров, К. Тўйгинов, Р. Тўйгинов, Т. Эсоновлар жиноий гуруҳга уюшиб, кўп миқдордаги гиёҳванд моддаларни сотиб олиш, сақлаш, ташиш ва сотиш билан шуғулланганлар. Уларнинг Тўрткўлга сафари муваффақиятсиз тугади.

Тезкор қидирувлар натижасида юқорида тилга олинган жиноятчилар етказиб берган кўкнори бошоқларини сақлаш ва сотишда кўмаклашаётганлар, улар орқали ҳаракатда бўлган жиноий гуруҳ фош бўлди. Жиноятчиларнинг ҳаммаси жазоланди.

Республикамиз вилоятлари, қўшни давлатлар фуқароларининг поезд ва бошқа автотранспорт билан Россия Федерацияси, бошқа чет эл давлатларига Қорақалпоғистон ҳудудидан ўтиши гиёҳванд моддаларни ташиш, ўтказишнинг олдини олишда республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари зиммасидаги масъулиятни янада оширади.

... — Аввал татиб кўрдим. Кейин кайфи хумор қиладиган бўлди. Ҳозир укол олмасам туролмайман. Бу йўлга қандай кириб қолдим, билмайман, — дея афсусланди мажбурий даволанишга жўнатилгандагина ҳушига келган гиёҳвандлардан бири.

Гиёҳвандлик йўлми?

Агар йўл бўлса, фақат йўқликкагина олиб борадиган йўлдир.

Давлатёр ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари, адлия маслаҳатчиси.

САВДО ЯРМАРКАСИГА МАРҲАМАТ!

"ЎЗЭЛЕКТРАСБОБСАВДО"
ва
"ЎЗЭЛЕКТРКАБЕЛСАВДО"
ҳиссадорлик жамиятлари
шу йилнинг 25-27 июнида

3000 дан ортиқ турдаги электротехник асбоб-ускуналари, кабель сим ва халқ истеъмоли маҳсулотларининг
САВДО ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ.

Мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар барча давлат ташкилотлари, вазирликлар, кичик корхоналар, фермерлик хўжаликларини
Савдо ярмаркасига таклиф этамиз.
Ярмаркада маҳсулотлар устама нархи 50 фоизгача арзонлаштирилган баҳода сотилади.
Манзилгоҳимиз:
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 7-уй.

ЯРМАРКА ҚЎМИТАСИ.

ЯЙЛОВ.

Саидқосим МАҲКАМОВ олган сурат.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматда 30414 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0302

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 00.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА